



A SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE EROSION OF FAMILY VALUES IN THE MODERN MEDIA SPACE AND THE CONCEPT OF NATIONAL IDENTITY

Nigora Khusanova

Senior Research Fellow, Institute of Social and Spiritual Research

PhD in Philosophy

E-mail: n.scienceofworld@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: family values, mass culture, globalization, ideological immunity, national identity, think tanks, generation theory, national content, family crisis, liquid modernity, sensory culture.

Received: 21.06.26

Accepted: 22.06.26

Published: 23.06.26

Abstract: This article provides a socio-philosophical analysis of the transformation and crisis manifestations of traditional family values (the phenomenon of “devaluation”) in the context of globalization and the challenges posed by mass culture. It examines the negative representation of family relationships in contemporary mass media and digital content, particularly through the portrayal of daughter-in-law and mother-in-law conflicts in national television series and media products, as well as the ideological influence of foreign think tanks. The study scientifically substantiates the spiritual and moral mechanisms for developing ideological immunity among the younger generations (Generation Z, Alpha, and Beta) against destructive digital ideas and for fostering the concept of national identity.

ЗАМОНАВИЙ МЕДИАМАКОНДА ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЕМИРИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ ВА “МИЛЛИЯТ” КОНЦЕПЦИЯСИ

Нигора Хусанова

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти

катта илмий ходими,

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

n.scienceofworld@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Оилавий қадриятлар, оммавий маданият, глобаллашув, мафкуравий иммунитет, миллият, ақл марказлари, авлодлар назарияси, миллий контент, оила инкирози, суюқ модернизм, сенсорли маданият.

Аннотация: Ушбу мақолада глобаллашув ва «оммавий маданият» таҳдидлари шароитида анъанавий оилавий қадриятларнинг трансформацияси ва инкирозли ҳолатлари («қадрсизланиш» феномени) ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган. Бугунги кунда замонавий оммавий ахборот воситалари ва рақамли контентларда оилавий муносабатларнинг салбий импликацияда талқин этилиши (миллий сериаллар ва медиамаҳсулотлардаги «келин-қайнона» зиддиятлари контекстида) ҳамда хорижий «ақл марказлари»нинг мафкуравий таъсирлари очиб берилган. Мақолада ёш авлодда (Z, Alfa, Beta) рақамли деструктив ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни ва «миллият» тушунчасини шакллантиришнинг маънавий механизмлари илмий асосланган.

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ РАЗРУШЕНИЯ СЕМЕЙНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СОВРЕМЕННОМ МЕДИАПРОСТРАНСТВЕ И КОНЦЕПЦИЯ «НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ»

Нигора Хусанова

Старший научный сотрудник Института социально-духовных исследований, доктор философии (PhD) по философским наукам

E-mail: n.scienceofworld@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: семейные ценности, массовая культура, глобализация, идеологический иммунитет, национальная идентичность, аналитические центры, теория поколений, национальный контент, кризис семьи, текучая модерність, сенсорная культура.

Аннотация: В данной статье проводится социально-философский анализ трансформации и кризисных проявлений традиционных семейных ценностей («феномен обесценивания») в условиях глобализации и угроз массовой культуры. Раскрываются особенности негативной интерпретации семейных отношений в современных средствах массовой информации и цифровом контенте (в контексте конфликтов «невестка – свекровь» в национальных сериалах и медиапродукции), а также идеологическое влияние зарубежных аналитических центров. В статье научно обосновываются духовно-нравственные

механизмы формирования у представителей поколений Z, Alpha и Beta идеологического иммунитета против деструктивных цифровых идей и развития концепции национальной идентичности.

Кириш. Глобаллашув ва жадаллашиб бораётган рақамлашув жараёнлари замонавий жамиятларнинг структуравий асосларини трансформация қилиб, ижтимоий муносабатларнинг виртуал маконга кўчишини тезлаштирмоқда. Бугунги кунда ёшларнинг давлат ва жамиятдаги демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга дахлдорлиги барқарор ривожланишни таъминловчи бош омил ҳисобланади. Бироқ, замонавий фан-техника ютуқлари маҳсули бўлган “метаселена” (инглизча Metaverse – доимий, умумий ва ўзаро боғланган 3D виртуал оламлар тармоғи) [1, 42] ёхуд “Мета олам” концепцияси жамият аъзолари фаолиятини рақамли форматда ташкил этувчи қулай платформа бўлиш билан бирга, инсон онги, руҳияти ва қалбини эгаллашга қаратилган трансмиллий таҳдидларнинг янги ўчоғига айланмоқда.

Рақамли дунёнинг чексиз имкониятлари фонида кишилар орасида маънавий қадриятларнинг сусайиши, миллий ўзликдан узилиш ва ёш авлоднинг тарихий хотирасидан маҳрум бўлиши каби хавфлар кузатилмоқда. Ушбу контекстда, мазкур глобал хавф-хатарларга қарши ижтимоий, фалсафий ва мафкуравий ҳимоя тизимларини ишлаб чиқиш, замон талабларига мос келувчи миллий рақамли контентларни яратиш стратегик аҳамият касб этади. Бугунги кунда кураш майдони “анъанавий физик борлиқдан виртуал борлиққа ўтиш” шиддати билан тавсифланмоқда.

Асосий қисм. Ғарб мамлакатларида трансформациялашиб, глобал миқёсда сингдириляётган “оммавий маданият” анъанавий оила, никоҳ, ота-она ва фарзанд муносабатларига, оила институтининг муқаддаслигига дахлдор тушунчаларга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат асрлар давомида аجدодлардан авлодларга ўтиб келган миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тизимли равишда таназзулга юз тутишига замин яратмоқда. Бугунги кунда ёшлар онгига жамиятдан бегоналлашув, ижтимоий муҳитнинг ҳаддан ташқари виртуаллашуви, экзистенциал эгоизмни рағбатлантирувчи “мен концепцияси”, фарзанд кўришдан атайлаб воз кечиш, эътиқодлар тўқнашуви, янгича деструктив ахлоқ тизими, оилавий қарашларнинг ностандартлашуви ва ашаддий истеъмолчилик маданияти каби ёт ғоялар сингдирилмоқда.

Глобаллашув шароитида юзага келган бу каби таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Бироқ, сўнги

пайтларда кенг жамоатчилик ўртасида “Бизга ўзи мафкура керакми?”, “Маънавият бизга нима берди?” қабилдаги саволларнинг кўпайиши, ижтимоий ҳаётда “ғоя”, “мафкура”, “миллий ғоя”, “маънавият” ва “ватанпарварлик” каби концептуал тушунчаларни ишлатиш заруратининг сунъий равишда камайиб бориши хавотирли ижтимоий тенденция ҳисобланади. Жамият ҳаётини ва давлат хавфсизлигини ушбу фундаментал тушунчаларсиз тасаввур этиш миллат ва келажак учун ҳалокатлидир.

Тадқиқот ва тарихий манбалар шуни кўрсатадики, оила институти тарихий босқичларда гуруҳий, патриархал ва моногам оила шаклларида, никоҳ эса моногамия, полигиния, полиандрия кўринишларида ривожланиб келган. Оила ҳар қандай давлат ва жамиятнинг барқарорлигини, миллат ген фондини таъминловчи асосий фундаментал омилдир. Оиланинг инқирози бевосита давлат ва жамиятнинг инқирозига олиб келади.

Социология асосчиларидан бири Питирим Сорокин ўзининг маданиятлар инқирози назариясида замонавий жамиятни “сенсорли (ҳиссий) маданият” инқирози сифатида баҳолаб, бу даврда оила фақат маиший ва жинсий шериклик воситасига айланиб, ўзининг муқаддас, ижтимоий ва маънавий мажбуриятларини йўқотишини, оқибатда мажбурий ажримлар ва ахлоқий эврилишлар содир бўлишини илмий исботлаган эди [8, 114]. Таниқли футуролог Элвин Тоффлер эса “Учинчи тўлқин” концепциясида ахборот асрида анъанавий ядровий (эр-хотин ва фарзандлардан иборат) оила формати емирилиб, уннинг ўрнига “синган” ёки “ностандарт2 оилавий моделлар, виртуал шерикликлар кириб келишини прогноз қилган [9, 245].

Маърифатпарвар жадид аждодларимиз, хусусан, Абдулҳамид Чўлпон миллий ўзликни ва қадриятларни асраш, Ғарбнинг бузуқ ахлоқига кўр-кўрона тақлид қилмаслик борасида шундай даъват қилган эди: “Эй қариндошлар, сизлардан катта илтимосимиз шулдурки, Оврўпанинг мўдосидан, шишасидан, бузуқ ахлоқидан наъмуна олмасдан ва бунларга бул жиҳатдан тақлид қилмасдан, балки илм, фан, ҳунар, саноатга ўхшашлик маданиятлардан намуна олиб, бул жиҳатдан тақлид қилмоғимиз лозимдур. Оврўпанинг мўдоси ва бузуқ ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир – кул қиладур. Бундан сақланингиз” [5, 14].

Замонавий социолог ва философ Зигмунт Бауман глобаллашув давридаги ижтимоий муносабатларни “суёқ модернизм” (liquid modernity) концепцияси орқали ифодалайди. Унга кўра, бугунги рақамли дунёда инсоний ришталар, жумладан, оилавий мажбуриятлар ҳам “суёқ”, яъни барқарорликдан маҳрум, осон тузиладиган ва осон узиладиган тижорий характер касб этмоқда [10, 76]. Бу ҳолат “оммавий маданият” ниқоби остидаги “оломон маданияти” орқали анъанавий оила тушунчасини бутунлай вайрон қилишга қаратилган.

Эндиликда табиат қонунларига зид бўлган бир жинсли никоҳлар, ҳатто ҳайвонлар билан турмуш қуриш каби трансгрессив ҳолатлар нафақат Ғарбда, балки айрим Осиё давлатларида ҳам учрамоқда.

Файласуф ва сиёсатшунос Фрэнсис Фукуяма “Буюк узилиш” асарида оилавий қадриятлар емирилишини ижтимоий капиталнинг (ишонч, анъана, ахлоқ) камайиши билан боғлайди ва оиланинг заифлашуви жамиятда жиноятчиликнинг ортишига, ижтимоий апатияга сабаб бўлишини таъкидлайди [11, 82]. Бироқ, глобал геосиёсий марказлар ОАВ ва киноиндустриядан мафкуравий қурол сифатида фойдаланишни давом эттирмоқда. Масалан, АҚШда 1500 дан ортиқ, Хитойда эса 4500 га яқин “ақл марказлари” ва илмий-тадқиқот институтлари миллий хавфсизликни таъминлаш, мафкуравий доминантликни сақлаш ва миллий маданиятни медиа воситалари орқали дунёга тарғиб қилиш стратегиялари устида ишламоқда [3, 54]. Америкалик сиёсатшунос олим П. Бьюкенен ушбу ҳолатни: “Армия ва полиция орқали эмас, оммавий маданият инквизиторлари ёрдамида жаҳонга сингдирилаётган ”юмшоқ тирания“» деб тўғри тавсифлаган эди [3, 112].

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий медиамакони ва ижтимоий тармоқларида оилавий муносабатларга оид контентлар таҳлили шуни кўрсатадики, маҳаллий сериаллар, қисқа метражли фильмлар ва ижтимоий лавҳалар тизимли равишда оила институтини қадрсизлантиришга хизмат қилмоқда. Илмий тадқиқотларида миллий тарбия ва маънавият муаммоларини ўрганган маҳаллий олим Мухаммад Қуроноф таъкидлаганидек, миллий медиамакондаги бундай мафкуравий бўшлиқлар ёшлар онгида ўз оиласи, ота-онаси ва миллий анъаналаридан уялиш, уларни “эскилик сарқити” деб ҳисоблашдек хавфли ижтимоий иллатни келтириб чиқаради [12, 45]. Энг ачинарлиси, ўзбек аёли, келини ва қайнонаси образи маиший деградация ва маънавий қашшоқлик даражасида талқин этилмоқда. Миллий телеканаллар ва интернет тармоқларида узатилаётган юзлаб фильм ва телекўрсатувларнинг номланиши ва мазмуни бунга яққол мисол бўла олади:

Келин образига оид деструктив контентлар: “Келин блогер, Ўғри келин, Ношукур келин, Чилим чеккан келинчак, Довдир келин, Эсипаст келин, Нафси бузуқ келин, Эркакшода келин, Айёр келин, Боксчи келин, Золим келин, Бефаросат келин, Маҳрга гелик сўраган келин, Шантаж келин, Наркоман келин, Тўйда тарсаки еган келин, Бокира чиқмаган келин, Зинони касб қилган келин, Чимилдиқдан қувилган келин, Қайнонасига тухмат қилган келин, Қайнотасини урган келин” ва бошқалар.

Қайнона образига оид деструктив контентлар: “Рашкчи қайнона, Ғийбатчи қайнона, Келинини ойлигини олиб қўядиган қайнона, Сўқир қайнона, Хасис қайнона, Сарсон қайнонамдан норозиман, Фирибгар қайнона, Қизғанчиқ қайнона, Келинига кун

бермайдиган қайнона, Урушқоқ қайнона, Очқўз қайнона, Айирмачи қайнона, Қайнонамнинг қинғир иши, Золим қайнона, Келинини ўлдириб қўйган қайнона, Зикна қайнона, Иримчи қайнона, Жанжалкаш қайнона, Офлайн қайнона” кабилар.

Ушбу деструктив медиаконтентлар ёшлар онгида оила қуришга нисбатан кўрқув, нафрат ва лоқайдлик ҳиссини уйғотади. Бу эса ташқи “оммавий маданият” таҳдидларидан кам бўлмаган ички информацион хавфдир. Ижтимоий тармоқлардаги “Инстаюлдзулар” томонидан тарғиб қилинаётган, миллий кадриятларни инкор этувчи red flag ёхуд “ўзингни сев, ўзгани қўй” кабилидаги мафкуравий трендлар, мем ва челленджлар анъанавий оилавий муносабатларни илдизи билан болталайди.

Бугун виртуал реаллик муҳитида шаклланаётган Zeta (1997-2012 йилларда туғилган рақамли технологиялар авлоди), Alfa (2013-2025 йилларда туғилган сунъий интеллект авлоди) ва 2025 йилдан кейин дунёга келаётган Beta рақамли авлод болалари ўз вақтларининг асосий қисмини кибермаконда ўтказмоқдалар [7]. Ушбу авлодларда кузатилаётган «дофамин қарамлиги» уларни виртуал маконнинг ашаддий мижозига айлантирмоқда. Агар ушбу виртуал океан миллий ва соғлом контент билан тўлдирилмас экан, ёшларнинг ички дунёси заифлашиб, маънавий кадриятлар қиймати пасайиши муқаррардир [4].

Бугунги тезкор рақамли муҳитда оилаларимизни маънавий емирилишдан ва интернетдаги зарарли оқимлардан асраш учун қуйидаги ҳаётий ва тизимли қадамларни қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Ёшлар онгига «Миллият» тушунчасини сингдириш. «Миллият» деганда биз фақат китоблардаги баландпарвоз гапларни эмас, балки кундалик ҳаётимиздаги оддий ва гўзал кадриятларни тушунишимиз керак. Бу – Ватанни севиш, аждодлар хотирасини ҳурмат қилиш, катталарга йўл бериш, оилани муқаддас билиш, ҳаё ва андиша каби тушунчалардир. Бу кадриятларни боғча ва мактаб ўқув дастурларига қуруқ маъруза эмас, балки қизиқарли ҳаётий мисоллар, тарбия соатлари ва амалий машғулотлар тарзида сингдириш лозим.

2. Сериаллар ва кинолар мазмунини тартибга солиш. Медиа соҳаси. Телеканалларимиз ва ижтимоий тармоқлардаги маҳаллий сериалларда ўзбек оилаларидаги нафақат уруш-жанжал, “келин-қайнона” маиший низолари, бир-бирини алдаш ва хиёнат мазмунидаги медиа контентлар ўрнига маънавий-маданий марказлар ва ижодий уюшмалар ҳамкорликда оиланинг асл гўзаллигини, меҳр-оқибатни кўрсатадиган, томошабин руҳиятига ижобий таъсир қиладиган самимий ва бадий бақувват асарлар яратилишига эътибор қаратиш зарур.

3. Интернетда жозибадор ва фойдали миллий видеолар чиқариш. Ёшларимизни TikTok, Instagram Reels ёки YouTube Shorts каби платформалардан оқилона фойдаланган ҳолда улар тушунадиган тилда контентлар тайёрлаб бориш ва узатиб бориш керак. Қисқа, замонавий, креатив видеолар, трендлар ва заковатли мемлар орқали оилавий бахт, ота-онага ҳурмат ғояларини тарғиб қилиш лозим. Шунда ёшлар ўз-ўзидан четдан кириб келаётган ёт ва бузғунчи ғояларни ажрата олади. Уларда ўзига хос “интернет иммунитет” пайдо бўлади.

4. Оилавий муаммоларни барвақт аниқлаш тизимини йўлга қўйиш: Оилавий ажримлар, ички низолар ва виртуал хавфларни реал вақтда ўрганадиган, муаммоларни ичидан биладиган марказлар фаолиятини фаоллаштириш орқали реал маълумотлар асосида, ажрашиш ёқасига келиб қолган ёш оилалар билан маҳалла фаоллари ва тажрибали психологлар фаолиятини янада такомиллаштириш лозим.

5. Олий ва профессионал таълимда ҳаётий курслар ташкил этиш орқали турмуш қуриш арафасида турган талаба ёшлар (Z ва Альфа авлодлари) учун таълим муассасаларида “Оилавий ҳаёт этикаси ва рақамли гигиена” номли оддий, тушунарли ва мажбурий курсларни киритиш керак. Бу дарсларда ёшларга оиладаги соғлом муҳитни қандай асраш, эр-хотин ўртасидаги психологик муаммоларни қандай ҳал қилиш, телефон ва ижтимоий тармоқларга қарамликдан қутулиш ҳамда интернетдаги зарарли оқимларни қандай фарқлаш мумкинлиги оддий тилда ўргатилиши лозим.

Хулоса. Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Абдулла Авлоний айтганидек: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” [1, 58]. Замонавий мафкуравий курашлар даврида виртуал олам орқали кириб келаётган ёт ғоялардан ҳимояланиш учун “маънавият” ва “мафкура” тушунчалари стратегик қалқондир. Миллий кадрлар корпусини мафкуравий жиҳатдан чиниқтириш ва оилавий қадриятларни давлат даражасида ҳимоя қилиш, шунингдек, юқорида таклиф этилган инновацион-ижтимоий превенция механизмларини изчил татбиқ этиш орқали миллат генезиси ва порлоқ келажагини асраб қолишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авлоний, А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1992. – Б. 58-72.
2. Айтматов, Ч. Асрга татиғулик кун (роман). – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. – Б. 126.

3. Buchanan, P. J. The Death of the West: How Dying Populations and Immigrant Invasions Imperil Our Country and Civilization. – New York: St. Martin's Griffin, 2002. – P. 112-145.
4. Қахҳор, А. Асарлар тўплами (Кўп томлик). Т. 4. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 45-52.
5. Чўлпон, А.Ҳ. Ватан умиди (Мақолалар ва публицистика). – Тошкент: «Шарқ», 2003. – Б. 14-18.
6. Der Derian, J. Virtuous War: Mapping the Military-Industrial-Media-Entertainment Network. – New York: Routledge, 2009. – P. 85-110.
7. Strauss, W., Howe, N. Generations: The History of America's Future, 1584 to 2069. – New York: William Morrow & Co, 1991. – P. 92-115.
8. Сорокин, П. А. Кризис нашего времени. – Москва: ИСПИ РАН, 2009. – С. 114-130.
9. Тоффлер, Э. Третья волна. – Москва: АСТ, 2010. – С. 245-260.
10. Бауман, З. Текучая современность. – Санкт-Петербург: Питер, 2008. – С. 76-90.
11. Фукуяма, Ф. Великий разрыв. – Москва: АСТ, 2004. – С. 82-105.
12. Куронов, М. Миллий тарбия асослари. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – Б. 45-60.